

« ТАСДИҚЛАНГАН »

Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат Халқ банки
Кенгашининг
2019 йил 9 сентябр даги
30 - сонли қарори

Банк Кенгаши Раиси
Ж.А. Қўчқоров

2019 й. « 9 » сентябр



« РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН »

Ўзбекистон Республикаси
Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги

Директори
А.А. Назиров

2019 й. « 23 » сентябр № Р0224-13



**ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

Эмитент – Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки

Идентификация рақами берилди: RU113PO824R7

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, номинал қиймати 1.000,0 (бир минг) сўм бўлган 980.500.000 (тўққиз юз саксон миллион беш юз минг) дон аумумий қиймати 980.500.000.000,0 (тўққиз юз саксон миллиард беш юз миллион) сўмлик оддий акциялар.

Акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ УШБУ ЧИҚАРИЛИШИ ЎН УЧИНЧИ ЧИҚАРИЛИШДИР.

Тасдиқланган: Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Кенгашининг 9 сентябр 2019 й. 30 - сонли қарори билан,
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Кенгашининг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги 30 - сонли қарори асосида 9 сентябр 2019 й.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100096, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46.

Тел.: (0-378) 120-17-00, 120-17-86, 120-17-87.

Электрон почта: info@xb.uz.

БОШҚАРУВ РАИСИ

М.Ё. Эшматов

БОШ БУХГАЛТЕР

Б.Н. Хотамов

М.Ў.

Сана: 2019 й. « 9 » сентябр



- 1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):** оддий акциялар.
- 2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:** эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз (нақдсиз).
- 3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):** 1.000 (бир минг) сўм.
- 4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):** 980.500.000 (тўққиз юз саксон миллион беш юз минг).
- 5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):** 980.500.000.000,00 (тўққиз юз саксон миллиард беш юз миллион) сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Банкнинг оддий акциялари акциядорларга Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26, 27 ва бошқа моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Банк акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банк акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Олинган дивидендлардан эркин равишда фойдаланиш;
- Банк тугатилган тақдирда, ўзларига тегишли улугша мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларга бирлашиш;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

Шунингдек, акциядорлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар банк акциядорлари томонидан акцияларни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ёпиқ обуна орқали (хусусий йўсинда), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан молиялаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):

Банкнинг устав капитали миқдори 1.869.073.136.000,00 (бир триллион саккиз юз олтмиш тўққиз миллиард етмиш уч миллион бир юз ўттиз олти минг) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

1.869.073.136 (бир миллиард саккиз юз олтмиш тўққиз миллион етмиш уч минг бир юз ўттиз олти) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акциялар жойлаштирилган.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк томонидан илгари корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3694-сонли "Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2019 йил 14 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4112-сонли Қарорларига мувофиқ банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Агар банк акциядорларидан акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланишни рад этиш тўғрисида ёзма равишда аризалар тақдим этилса, ушбу аризалар тақдим этилган кундан кейинги иш кунидан бошлаб, чиқарилаётган акцияларнинг 553.000.000 (беш юз эллик уч миллион) донаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан молиялаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига, 427.500.000 (тўрт юз йигирма етти миллион беш юз минг) донаси Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Акциялар чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 1 (бир) йил давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати кўрсатилган билдиришнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 11 (ўн биринчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш тўғрисида ёхуд ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунидан бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунидан бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – охириги акцияни жойлаштириш куни, лекин акциялар чиқарилиши давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 1 (бир) йилдан ошмаган муддатда.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш тўғрисида ёхуд ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан молиялаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда жойлаштирилади ҳамда битимлар «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» Давлат корхонаси томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар жойлаштирилишида андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг

ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Номи: «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» Давлат корхонаси.

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси.

Жойлашган жойи: Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

Почта манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй, тел: (998 71) 267-37-42, факс: (998 71) 267-36-42, электрон почта манзили (e-mail): info@deponet.uz, веб-сайти: www.deponet.uz.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2019 йил 9 сентябрь ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларга мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш тўғрисида ёхуд ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг номи ва жойлашган жойи, ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштириш баҳоси – донаси 1.000,0 (бир минг) сўмдан.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

Агар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар банк акциядорларидан акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланишни рад этиш тўғрисида ёзма равишда аризалар тақдим этилса, ушбу аризалар тақдим этилган кундан кейинги иш кунидан бошлаб, қўшимча чиқариладиган 980.500.000 (тўққиз юз саксон миллион беш юз минг) дона 980.500.000.000,0 (тўққиз юз саксон миллиард беш юз миллион) сўмлик акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3694-сонли "Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2019 йил 14 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4112-сонли Қарорларига мувофиқ ёпиқ обуна орқали қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- 553.000.000.000,00 (беш юз эллик уч миллиард) сўмлик жойлаштириш баҳоси 1.000,0 (бир минг) сўм бўлган, 553.000.000 (беш юз эллик уч миллион) дона акциялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан молиялаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади. Бунда акциялар учун тўлов Халқ банкнинг Бош амалиётлар бошқармасида очилган ҳисобрақамга пул ҳамда солиқ имтиёзлари ҳисобига шаклланган маблағларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

- 427.500.000.000,00 (тўрт юз йигирма етти миллиард беш юз миллион) сўмлик жойлаштириш

баҳоси 1.000,0 (бир минг) сўм бўлган, 427.500.000 (тўрт юз йигирма етти миллион беш юз минг) дона акциялар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади. Бунда акциялар учун тўлов Халқ банкнинг Бош амалиётлар бошқармасида очилган ҳисобрақамга пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда, акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган кундан бошлаб акциялар учун тўланган пул маблағлари 10 (ўн) календар кун ичида белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси ва нусхалари билан Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46 манзилда ҳамда банкнинг www.xb.uz веб-сайтида танишиш мумкин.

Шунингдек, қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади (www.openinfo.uz).

Банк томонидан акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқариш давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

13. Бошқа маълумотлар.

Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 1993 йил 22 октябрда 25-рақам билан рўйхатга олинган.

Лицензия рақами ва санаси: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2018 йил 13 октябрда 25-рақамли банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия берилган.

Эмитентнинг асосий фаолият тури: Банк фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисоб рақами:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб марказида очилган вакиллик ҳисоб рақами: 10 301 000 700 009 006 001 (банк коди: 09006).

Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли - Акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46.

Тўлиқ почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100096, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46.

Электрон почта манзили (e-mail): info@xb.uz.

Веб-сайти: www.xb.uz.

Статистика органларидан рўйхатдан ўтганлиги: 2003 йил 30 июлда Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси томонидан корхоналар ва ташкилотлар ягона Давлат реестрига киритилиши тўғрисида 53277-сонли Гувоҳнома берилган.

Хос рақами (КТУТ):	14929863
ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури:	96130
МШТ бўйича мулкчилик шакли:	213
ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли:	2100
Манзил бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами	1726294